

“Болаларим,
Сизлар уруш
қурманглр!

4-бет



5 миллион
Ўм жарима
адолатданми?

6 бет



Карантинда
ходимни
огоҳлантормай
ишдан бшатиш
мумкинми?

7-бет



Энг
оммалашган
илмий
хатолар

8-бет



ИНСОН ҚОНУН

12 май 2020 йил / № 14 (1218)

www.hudud24.uz

insonvaqonun@adliya.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ



Аждодлар жасорати ва хотирасига

ЮКСАК ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг буюк Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, қадрли ва-
тандошлар!

Муҳтарам уруш ва меҳнат фахрий-
лари!

Аввало, Ватанимизнинг ҳақиқий
қахрамонлари бўлган сиз, азизлар-
ни, сизларнинг тимсолингизда кўп
миллатли бутун халқимизни Иккинчи
жаҳон урушида эришилган буюк Ға-
лабанинг 75 йиллик шонли байрами
ҳамда Хотира ва қадрлаш кунин билан
чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ҳурматли дўстлар!

Барчангиз хабардорсиз, сизлар
билан бирга бундан роппа-роса бир
йил муқаддам азим пойтахтимиз Тош-
кент шаҳрида муҳташам Ғалаба боғи-
ни барпо этишга қарор қилган эдик.
Ушбу қароримиз замирида Ўзбекис-

тон халқининг жанг майдонларида
ва фронт ортида кўрсатган беқиёс
жасорати ва матонатини тарих саҳи-
фаларига муҳрлаш, ёш авлодимизни
Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида
тарбиялаш мақсади мужассам экани
сизларга яхши маълум.

Худога минг бор шукрки, эл-юрти-
миз дилидаги ана шу эзгу ният ижо-
бат бўлиб, улуг айём кунларида уруш
ва меҳнат фахрийлари билан Ғалаба
боғида ва “ойнаи жаҳон” орқали дий-
дор кўришиб турибмиз.

Буюк Ғалабанинг 75 йиллиги шара-
фига бунёд этилган бу бетакфор мажмуа
қахрамон халқимизга муносиб бўлиб,
ҳам меъморий жиҳатдан, ҳам тари-
хий-маънавий жиҳатдан ғоят ноёб ва
маҳобатли обида бўлиб қад ростлади.

Мана шу улкан майдонда қисқа
муддатда жуда катта ҳажмдаги қу-
рилиш ва ободонлаштириш ишла-
ри амалга оширилди. Ҳар жиҳатдан
пухта ишланган лойиҳалар асосида
Ғалаба боғи, “Шон-шараф” музейи,
“Мангу жасорат”, “Матонат мадҳи-
яси” монументлари бунёд этилди.
Халқимизнинг қонли жанглардаги
мардлигини, фронт ортидаги ма-
шаққатли меҳнати ва фидойилиги-
ни акс эттиришга бағишланган кенг
кўламли тарихий-бадиий экспози-
циялар яратилди.

Агар вақт имкон берганда эди,
уларнинг ҳар бири ҳақида соатлаб га-
пириш мумкин бўларди.

Уруш давридаги жанггоҳларни
эслатадиган баланд тепалик устида

афсонавий генерал Собир Раҳимов
каби ҳарбий кўмондонларимиз, Ўзе-
кистонлик барча ботир жангчиларнинг
сўнмас хотирасига атаб “Мангу жасо-
рат” деб номланган улугвор монумент
барпо этилди.

Замонавий музей санъати ва ах-
борот-коммуникация технологияла-
рининг энг илғор ютуқлари асосида
“Шон-шараф” музейи бунёд қилинди.
Бу ерда намоиш этилаётган минглаб
тарихий экспонатлар буюк Ғалаба-
га буюк ҳисса қўшган халқимизнинг
мислсиз жасоратини тараннум этиш-
га, ёш авлодимизни ватанпарварлик
руҳида тарбиялашдек олижаноб мақ-
садга хизмат қилади.

►2-3 бетлар

►3-бет

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг буюк Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Биз бугун уруш йилларида халқимиз кўрсатган бекиёс қахрамонликни улуглайдиган, ўзида она Ватан тимсолини муккасман этган "Матонат мадҳияси" монументи пойига гулчамбар қўйиб, фидойи юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирдик. Шуни айтиш керакки, ушбу ёдгорлик мажмуасига қандайдир бадиий образ эмас, балки ҳаётимизда чиндан ҳам бўлган тарихий воқеа — мўътабар бир инсон ва унинг оиласи тўғрисидаги ҳақиқат асос қилиб олинган.

Мен ўтган йили 9 май байрамида Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида яшаб ўтган Зулфия Зокированинг ҳар қандай одамни ҳам ҳайратга соладиган инсоний жасорати ҳақида сўз юритган эдим.

Турмуш ўртоғи Холмат ака вафот этгач, Зулфия ая ёлғиз ўзи беш ўғил, бир қизни тарбиялаб вояга етказган. Иккинчи жаҳон урушида Исоқжон, Аҳмаджон, Маҳаммаджон, Ваҳобжон, Юсуфжон деган бешта азамат ўғлидан жудо бўлган.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, ҳар қандай инсонни ҳам яқсон қилиб ташлайдиган бундай оғир зарбага чидаш мумкинми? Лекин матонатли, метин иродали ўзбек онаси бу чексиз кулфатга бардош бера олди.

Уруш туфайли Зулфия Зокированинг тўрт келини бева, беш набираси етим бўлиб қолди. Онаизор умрининг охирига қадар сув келса — симириб, тош келса — кемириб, қахрамон ўғилларининг азиз хотираси билан, келинлари, набираларининг ҳаёти, юртнинг ташвиши ва қувончлари билан яшди.

Зулфия аянинг меҳр-оқибатли келинлари ҳам ундан ўрناق олиб, унга мадад бўлиб, барчаси ўз ёрига, оиласига содиқ қолди — бошқа турмуш қурмади.

Мана, бугунги даврада Зулфия ая Зокированинг қариндошлари — ҳурматли Раҳимжон Аҳмаджонов, Фарҳод Маҳаммаджонов, Маърифат Аҳмаджонова, Саноат Маҳмудова, Мавлуда Холматова иштирок этмоқдалар. Бошларига тушган оғир қийинчиликларни мардона энгиб, Зулфия ая ва оталарининг хотирасини пок сақлаб, эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қилиб келаётган бу юртдошларимизга барчамизнинг номимиздан чуқур миннатдорчилик билдиришга руҳат бергайсиз.

Мен ўтган йилги байрамда ўзбек аёллари, ўзбек халқининг мана шундай буюк жасорати, сабру бардошига бағишлаб, "Матонат мадҳияси" деган монумент барпо этишни тақлиф қилган эдим. Кенг жамоатчилигимиз, халқимиз ва ташаббусни қизгин қўлаб-қувватлади.

Шу мавзуда ижодкорларимиз кўплаб мақолалар, шеър ва достонлар яратмоқдалар.

Бу ҳақда гапирганда, мен "Ўзбекино" миллий агентлиги томонидан яратилган "Илҳақ" бадиий фильми тўғрисида алоҳида тўхталмоқчиман. Истеъодли ёш режиссёр Жаҳонгир Аҳмедов суратта олган ушбу ажойиб фильми мен кеча жуда катта қизиқиш ва ҳаяжон билан томоша қил-

дим. Халқимиз ҳаётининг энг оғир, энг фожиали даврига бағишланган бу асар том маънода қахрамонлик қасидаси бўлиб, ҳар қандай одамнинг ҳам қалбини ларзага солади.

Даҳшатли уруш туфайли беш нафар баҳодир ўғлидан айрилган, умрининг охиригача фарзандларини илҳақ, яъни интизор бўлиб кутган Зулфия Зокирова сиймосида ўзбек оналари, ўзбек аёлларига мансуб энг буюк фазилатлар ниҳоятда теран ифода топган. Биз бу бадиий гўзал асарни бугунги улуг байрам кунинда барча телеканалларимиз орқали кенг намойиш этишга қарор қилдик.

Фурсатдан фойдаланиб, мен бутун халқимизни, айниқса, ёшларимизни мана шу фильми оила даврасида кўришга, унинг қахрамонларидан ўрناق олишга даъват этаман.

Катта гурур ва ифтихор билан таъкидлаб айтмоқчиман: Ғалаба боғининг марказида "Матонат мадҳияси" деб аталган муаззам обида барча Ўзбекистон оналарига қўйилган ҳайкал бўлиб, она Ватан рамзи бўлиб қад ростлади. Ҳеч шубҳасиз, ушбу ёдгорлик бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун қутлуг зийратгоҳга, оила, севги-муҳаббат, вафо ва садоқат деган муқаддас тушунчалар тимсолига айланиб қолади.

Бу ерга қадам қўйган ҳар бир йигит-қиз миллатимизнинг қонида, суягида бўлган ноёб маънавий фазилатларни асраб-авайлаб, қадрлаб яшаш учун мана шундай улуг инсонлардан тарбия ва ибрат олади, деб ишонаман.

Айтиш керакки, қисқа вақт ичиди, айниқса, карантин шароитида Ғалаба боғи деб ном олган бу улкан мажмуани барпо этиш осон бўлгани йўқ. Лекин, барча қийинчиликларга қарамасдан, моҳир курувчи ва меъморларимиз, муҳандислар, турли соҳа мутахассислари, рассом ва ҳайкалтарошлар, азамат ёшларимиз бу вазифани ўзлари учун савобли бир иш деб билиб, туну кун фидокорона меҳнат қилдилар. Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан ушбу бетакор мажмуа 9 май байрамига қуриб битказилди.

Фурсатдан фойдаланиб, бу гоят эзгу ишга чин юракдан ҳисса қўшган барча-барча инсонларга ўз номимдан, эл-юртимиз номидан чуқур миннатдорчилик билдираман.

Ғалаба боғи, Хотира, Қадр-қиммат боғи ҳаммамизга, бутун халқимизга муборак бўлсин!

Азиз фахрийлар!

Бугунги қутлуг айёмда барчамиз, аввало, ўз жонини она юрт учун қурбон қилган ватандошларимизнинг руҳи поклари олдида бош эгиб таъзим қиламиз. Сизлар каби минглаб уруш ва меҳнат fronti қатнашчиларини — азму шижоатли, довурак ота-боболаримиз, сабр-матонатли оналаримиз, момоларимизнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Афсуски, карантин туфайли сизларнинг барчангизни бу гўзал масканга, бугунги тантанали маросимга олиб келолмадик. Лекин мана шундай муқаддас ва шукуҳли кунда ҳаммамиз

руҳан, қалб билан бирга.

Уруш ва меҳнат фахрийларининг аксарияти ҳозир вилоятларда, ҳарбий округларда, бошқалари эса ўз хонадонларида оила аъзолари билан 9 май байрамини нишонламоқдалар. Улар "ойнаи жаҳон" орқали бугунги тантанали маросимни тўғридан-тўғри кузатиб бормоқдалар.

Сизларнинг ҳаммангизни — марказда ва жойлардаги байрам тадбирларида иштирок этаётган, шунингдек, ушбу тантанали маросимни уйларида "ойнаи жаҳон" орқали томоша қилаётган, менинг табрик сўзларимни эшитиб турган фидойи инсонларни улуг айём билан яна бир бор табриклар, ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдираман. Сиз, азизларнинг барчангизни ғойибона бағримга босиб, бугунги эркин ва озод ҳаётни таъминлаш йўлида кўрсатган мардлингиз, Ватанга садоқатингиз учун ўз номимдан, халқимиз номидан раҳматлар айтиб, энг эзгу ва самимий тилларимни изҳор этаман.

Биз сизларнинг тимсолингизда ўзининг доно маслаҳатлари, бой ҳаётий тажрибаси билан ҳаммамизга устоз ва дуоғўй бўлиб юрган мўътабар инсонларни кўрамиз. Сизларнинг ҳар бирингиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Ҳаёт йўлларида дуч келаётган турли қийинчилик ва муаммоларни, ҳозирги кунда бошимизга тушган синовларни энгиб ўтишда биз сизларнинг мислсиз сабот ва матонатингиздан, қатъиятнингиздан доимо куч ва ибрат оламиз. Ёш авлодимизни Ватанга, халққа садоқатли, жасур инсонлар этиб тарбиялашда биз сизларни доимо ўрناق деб биламиз ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади.

Жонажон юртимизнинг файзу фаршаси бўлган сиз, азизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш учун бундан буён ҳам сидқидилдан хизмат қиламиз.

Муҳтарам ватандошлар!

Бугун Ғалаба байрамининг 75 йиллигини нишонлар эканмиз, халқимизнинг уруш йилларида кўрсатган қахрамонлиги ҳақида тақор ва тақор ўйлашимиз албатта табиийдир.

Мен аввалги чиқишларимда эл-юртимизнинг буюк Ғалабага қўшган ҳиссаси ҳали тўлиқ ўрганилмагани ҳақида гапириб, жамоатчилигимиз эътиборини шу масалага қаратган эдим. Бугун мамнуният билан айтмоқчиманки, кейинги йилларда ушбу йўналишда жуда катта ишларни амалга оширдик.

Аввало, илгари ёпиқ бўлган архив ҳужжатларини, илмий жамоатчилик учун маълум бўлмаган материалларни ўрганиш учун имконият яратилди. Бу борада собиқ Иттифоқ республикалари ва чет эллардаги архив ташкилотлари, музейлар ва фондлар, тарихчи олимлар ва мутахассислар, кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик кучайтирилди.

Ана шундай илмий изланишлар натижасида халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ҳақида, қахрамон аждодларимиз ҳақида жуда муҳим янги маълумотларга эга бўлдик. Ҳозирги вақтда улар оммавий

ахборот воситаларида, китоб ва альбомларда кенг ёритилмоқда.

Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги тарихимизни ўрганишда том маънода янги давр бошланди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор. Масалан, шу вақтга қадар уруш бошланган пайтда юртимиз аҳолиси 6 миллион 551 минг кишини ташкил этган ва уларнинг 1 миллион 500 мингга яқини урушда иштирок этган, деб ҳисобланар эди.

Янги топилган маълумотларга кўра, Ўзбекистондан 1 миллион 951 мингга яқин киши урушга сафарбар этилгани аниқланди. Демак, ҳар уч нафар ўзбекистонликдан биттаси кўлига қурол олиб, фашизмга қарши жанг қилган.

Аёвсиз жангларда мардона қатнашган қарийб 451 минг нафар юртдошимизнинг номлари ва тақдирини шунча йиллар мобайнида эътибордан четда қолиб келганини албатта адолатдан, деб бўлмайдик.

Шунингдек, ўша даврда "кулоқ" сифатида бошқа ўлкаларга сургун қилинган 59 мингдан ортиқ ватандошимиз ҳам ҳаракатдаги армияга сафарбар этилгани маълум бўлди.

Шу борада яна баъзи рақамларни келтирмоқчиман: илгари 396 минг нафар Ўзбекистон фуқароси урушда ҳалок бўлган, деб айтилди. Аслида бу рақам 538 мингдан зиёд бўлган.

Бундан ташқари, фронтда бедарак йўқолганлар ҳақидаги маълумотлар ҳам тўлиқ эмасди. Ҳозирги вақтда 158 мингдан кўпроқ ҳамюртимиз урушда бедарак кетгани аниқланди.

Мана, даҳшатли урушда халқимиз қандай оғир йўқотиш ва талафотлар берган, қандай азоб-уқубатларни бошидан кечирган!

Олиб борилган илмий изланишлар туфайли жанговар ордан ва медаллар билан мукофотланган Ўзбекистон вакиллари сони бўйича ҳам ойдинлик киритилди. Шу пайтга қадар бу кўрсаткич 120 минг нафар деб қайд этиларди. Янги маълумотларга асосан 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жанговар давлат мукофотлари билан тақдирлангани аниқланди. Жумладан, илгари 280 нафар деб ҳисоблаб келинган ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қахрамонларининг сони 301 та экани, 70 нафар юртдошимиз учала даражадаги Слава орденига сазовор бўлгани ҳужжатлар орқали ўз тасдиғини топди.

Мен мана шундай бебаҳо ҳақиқатни юзага чиқариб, адолатни қарор топтиришга катта ҳисса қўшган тарихчи олимларимизга, илмий ва ижодкор зиёлиларимизга катта раҳматлар айтаман. Айни вақтда уларни бу борадаги изланишларни давом эттиришга, мана шу Ғалаба боғидаги "Шон-шараф" музейини доимий равишда янги маълумотлар билан бойитиб боришга даъват этаман.

Ота-боболаримиз жасоратини чуқур ўрганиш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида янги тарихий маълумотлар асосида ҳар йили 9 май байрами арафасида алоҳида китоб тайёрлаб, нашр этсак, ўйлайманки, айти мудоао бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг буюк Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Оввли уруш йилларида бутун Ўзбекистон халқи “**Ҳамма нарса — фронт учун**”, “**Ҳамма нарса — Ғалаба учун!**” деган ҳаётий эътиқод билан яшади. Мамлакатимиз фронт ортидаги мустақкам таъминот базасига айланди. Ўзбекистон халқи жанг майдонларига катта миқдорда қурол-яроғ, озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва бошқа зарур маҳсулотларни етказиб берди. Кўп миллатли аҳолимизнинг фидокорона меҳнати билан республикамиздаги 300 га яқин корхонада ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шу даврда фронт худудларидан юртимизга 151 та завод кўчириб келтирилди ва ғоят қисқа фурсатда ишга туширилди. Минг-минглаб уруш қатнашчилари мамлакатимизда ташкил этилган ҳарбий госпиталлар-

да даволаниб шифо топдилар.

Янги аниқланган маълумотларга кўра, уруш ўчоғига айланган ўлкалардан Ўзбекистонга 1 миллион 500 минг киши, жумладан, 250 мингдан зиёд бола эвакуация қилинди. Халқимиз бу одамларнинг барчасига чинакам меҳр ва эътибор кўрсатди, сўнгги бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўриб, юксак инсонпарварлик фазилатларини намоён этди.

Азиз дўстлар!

Инсоният тарихидаги энг даҳшатли қиргин — Иккинчи жаҳон урушининг тугаганига 75 йил тўлган бўлса-да, афсуски, ер юзининг турли бурчакларида, жумладан, минтақамизга яқин худудларда қарама-қаршилик, қонли тўқнашувлар давом этмоқда. Шу сабабли биз доимо хушёр ва огоҳ бўлишимиз,

мустақиллигимизни мустақкамлаб, Ватанимиз қудрати, Қуролли Кучларимиз салоҳиятини янада оширишимиз зарур.

Бугун биз сизлар билан биргаликда янги Ўзбекистонни барпо этмоқдамиз. Янги ҳаёт, беқиёс ўзгаришлар ҳаммамиздан фидойилик ва бунёдкорликни, янада катта сафарбарликни талаб этмоқда. Бу жараёнда тинчлик ва осойишталикни асраш, жаҳон ҳамжамияти, аввало, қўшни давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорликни кучайтиришни биз энг муҳим вазифамиз деб биламиз.

Бугунги улуғ айёмда фашизмга қарши курашга муносиб ҳисса қўшган қардош халқларни, барча эзгу ниятли инсонларни самимий табриклаб, уларга тинчлик, равнақ ва фаровонлик тилаймиз.

Ишончим комил, қахрамон аждодларимизнинг жасоратиға содиқ бўлган олижаноб халқимиз тинч ва фаровон ҳаётни қадрлаб, уни янада мустақкамлаш йўлида бор куч ва имкониятларини сафарбар этади.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Барчангизни яна бир бор буюк Ғалабанинг 75 йиллик байрами ҳамда Хотира ва қадрлаш кунини билан чин юракдан табриклайман.

Мана шундай мусаффо осмон, эркин ва озод ҳаёт учун курашларда ғолиб чиққан фахрийларимизга шон-шарафлар бўлсин!

Мард ва матонатли халқимиз ҳамisha омон бўлсин!

Ғалаба байрами барчамизга муборак бўлсин!



Аждодлар жасорати ва хотирасига юксак эҳтиром

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Ўтган йилги Хотира ва қадрлаш кунини давлатимиз раҳбари Зулфия Зокирова ва унинг фронтдан қайтмаган беш ўғли, садоқатли келинлари хотирасига атаб муҳташам ҳайкал ўрнатиш ҳамда унга “Матонат мадҳияси” деб ном бериш тақлифини билдирган эди. Бу ташаббусни жамоатчилигимиз қизгин кўллаб-қувватлади. Шу мавзуда мақолалар, шеърлар ва бадиий фильм яратилди.

Бугун Ғалаба боғининг марказида ушбу муаззам обида қад ростлаб турибди.

— Бу Ўзбекистондаги барча оналарга қўйилган ҳайкал, — деди Шавкат Мирзиёев. — Ушбу ёдгорлик бутун халқимиз учун қутлуг зибратгоҳга, оила, муҳаббат, вафо ва садоқат тимсолига айланиб қолади. Бу ерга келган ёшлар миллатимизнинг қонида бўлган фазилатларни англаб, уларни қадрлаб яшашга интилади.

Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг мудҳиш, энг бешафқат тўқнашув бўлган. Жангу жадаллар Европа,

Осиё ва Африка қитъаларида, ҳавою океанларда кечган. Баъзи маълумотларга кўра, бу урушда жами 85 миллионгача инсон ҳалок бўлган. Ер юзи беҳисоб вайронагарчилик ва қаҳатчиликка юз тутган.

Давлатимиз раҳбари аввалги чиқишларида Ўзбекистон халқининг Ғалабага қўшган ҳиссасини янада чуқурроқ ўрганиш зарурлигини таъкидлаган эди. Шундан сўнг бу борада катта илмий тадқиқотлар қилинди. Илгари ёпиқ бўлган тарихий ҳужжатлар ҳам ўрганилди. Чет эллардаги архив ташкилотлари, музейлар, олимлар билан ҳамкорлик натижасида қахрамон аждодларимиз ҳақида янги маълумотлар кўлга киритилди.

Масалан, шу вақтга қадар Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1 миллион 500 мингга яқин киши иштирок этган, деб ҳисобланар эди. Янги топилган маълумотларга кўра, 1 миллион 951 мингга яқин киши урушга сафарбар этилгани аниқланди. Шунингдек, 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жанговар

давлат мукофотлари билан тақдирлангани ҳужжатлар орқали ўз тасдиғини топди.

Юртимизда қолган аёллар, кексалар, ёш болалар ҳам чинакам қахрамонлик кўрсатганлар. Етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барча одам ҳаловатдан воз кечиб, тинимсиз меҳнат қилган. Республикаимиздан жанг майдонларига самолёт ва танклар, қурол-яроғ, улкан миқдорда озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар етказиб турилган.

Минглаб уруш қатнашчилари Ўзбекистонда ташкил этилган ҳарбий госпиталларда даволанган. Янги аниқланган маълумотларга кўра, уруш ўчоғига айланган ўлкалардан юртимизга 1 миллион 500 минг киши, жумладан, 250 мингдан зиёд бола эвакуация қилинган. Халқимиз уларга ўз уйдан жой бериб, сўнгги бурда нонини ҳам баҳам кўрган.

Элимизнинг бу жасорати, меҳр-мурувват ва инсонпарварлик фазилатлари ҳали ҳамон шон-шараф мактаби, гурур-ифтихор манбаи бўлиб

келмоқда. Вақт ўтгани сайин бу ўлмас қадриятларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

“Шон-шараф” музейида ана шундай шонли тарих ўз ифодасини топган. Икки қаватдан иборат мазкур музей халқимизнинг уруш йилларида кўрсатган мардлик ва матонатини, юксак инсоний фазилатларини намоён этувчи мажмуадир. Бу ерда тарихий факт ва воқеалар замонавий технологиялар, интерактив усуллар ёрдамида акс эттирилган.

Давлатимиз раҳбари музей экспозицияси билан танишди. Бу ердаги экспонатлар Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабага катта ҳисса қўшган халқимизнинг жасоратини тарафдор этишга, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилишини таъкидлади.

— Бу музейнинг пайдо бўлиши адолатнинг тикланиши демакдир. Тарихимизнинг бир қисми бўлган уруш воқеаларини бир жойда намоён этадиган бундай маскан йўқ эди.

Бу ишлардан мақсад-муддаомиз — халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабага қўшган буюк ҳиссасини тарихга муҳрлаб қўйиш, ёш авлодларга етказиш. Юз йиллардан кейин ҳам одамлар келиб, уруш воқеалари ва оқибатларини, тинчлик қадрини билиши керак, — деди Президент.

Музей олти бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда республикамиз аҳолисининг фронтга сафарбар этилиши, жанг майдонларидаги жасорати акс эттирилган. Иккинчи бўлим “Ўзбекистон — фронт учун ишончли таянч кўргони” деб номланган. Кейинги бўлимда уруш йилларида юртимиздаги илм-фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш соҳалари намойиш этилган. Тўртинчи бўлим “Уруш ва ғалаба ҳақида хотиралар, халқнинг қувонч ва шодлиғи” деб аталган бўлса, навбатдаги шўбада уруш йилларидаги бадиий адабиёт, санъат ва матбуот ҳақида ҳикоя қилинган.

Аждодлар жасорати ва хотирасига юксак эҳтиром

"Мардлар жасорати мангу яшайди" номли олтинчи бўлимдан 33 жилдлик "Хотира" китоби, шунингдек, байрам муносабати билан нашр этилган китоб-альбом ва бошқа экспонатлар ўрин олган.

Шавкат Мирзиёев "Шон-шараф" музейида ҳар бир қўмондонликнинг ўз жойи бўлиши, илмий тадқиқотлар ўтказиб, уларнинг экспозицияларини тўлдириб бориш зарурлигини таъкидлади. Ҳарбий хизматчи ва курсантларни, ёшларни бу ерга олиб келиб, уларда мардлик, фидойилик руҳини шакллантириш бўйича тавсиялар берди.

"Шон-шараф" музейи архитектуравий жиҳатдан ҳам ноёб шаклда барпо этилган. Биринчи ва иккинчи қаватлардаги экспонатлар орқали беомон жанг манзаралари, боболаримизнинг қахрамонликлари, фронт ортида қолган юртдошларимизнинг машаққатли меҳнати, госпиталлар, хатлар, турли-туман ҳужжатлар ва бошқа ашёлар билан танишиш мумкин. Музейнинг том қисмида генерал Собир Раҳимов ҳамда Иккинчи жаҳон урушида мислсиз жасорат кўрсатган қахрамонларимиз ҳайкаллари қад ростлаган бўлиб, бу ерга иккинчи қаватдаги зиналар орқали чиқилади. Бу ердаги майдончадан бутун боғ қафсдек кўринади.

Сўнгра ташқи томондан қараганда ўзига хос тепалиқдан айлана йўлак бўйлаб тушилади. Йўлак четларига урушда орден ва медаллар билан тақдирланган ўзбек ўғлонларининг исм-шарифлари би-

тилган лавҳлар ўрнатилган бўлиб, бу бугунги авлодларда аждодларимизнинг ўлмас хотирасига эҳтиром туйғусини уйғотади.

Давлатимиз раҳбари боғдаги "Кўз ёши" мажмуасини ҳам кўздан кечирди. Кўз шаклидаги бу бадий мажмуада урушнинг мудҳишлиги, миллати ва динидан қатъи назар, барча одамлар бирлиги ифодаланган.

Боғ худудида бир неча мрамор деворларда композицион паннолар барпо этилган. Уларда саркарда боболаримиз тарихидан лавҳалар, Иккинчи жаҳон урушига оид энг муҳим маълумотлар, миллий армиямизнинг ҳозирги жанговар ҳолати акс эттирилган. Уруш йилларидаги куй-қўшиқлар ва хабарлар асосида тарихий муҳит жонлантирилган.

Ғалаба боғидаги амфитеатрда 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Маросимда уруш ва меҳнат фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар ҳам бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев Хотира ва қадрлаш кунини ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги билан барча фахрийларни, бутун халқимизни табрикларди.

Бу йил карантин туфайли уруш ва меҳнат фахрийларининг аксарияти байрамни ўз уйларида нишонлади. Улар телевидение орқали тантанали маросимни тўғридан-тўғри кузатиб борди.

Давлатимиз раҳбари байрам тадбирига келган уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳар бири билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўради. Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилади. Нурунийлар юртимизга тинчлик-осойишталик, элимизга фаровонлик тилаб дуолар қилди.

Тадбир Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари, ҳарбий округлардаги байрам иштирокчиларига намойиш қилинди.

Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан видеоалоқа тизими орқали мулоқот қилди.

Президентимиз Ғалаба боғининг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзди.

Боғда Иккинчи жаҳон уруши давридаги композициялар инсталляцияси, жумладан, темир йўл вокзали, окоплар барпо этилган, ҳарбий техникалар, қурол-аслаҳалар кўргазмага қўйилган. Давлатимиз раҳбари ушбу техникаларни ҳам кўздан кечирди.

Ғалаба боғида аҳолининг тарих билан ҳамнафас бўлиб, ўтганлар хотирасини ёд этиши, уларга ҳурмат бажо келтириши, мазмунли дам олиш, оммавий маданий тадбирлар, ижодий учрашувлар, адабий кечалар ўтказиш учун барча шароитлар яратилган. Мазкур боғ Ватанга садоқат, ўз ҳаётини тинчлик ва озодлик учун фидо қилган инсонларнинг ўлмас жасорати ва ёрқин хотираси олдидаги юксак ҳурмат-эҳтирмининг амалий на-

мунаси бўлиб қолади.

Давлатимиз раҳбари шу кунини Тошкент шаҳри Чилонзор туманида барпо этилган Иккинчи перинатал марказни ҳам бориб кўрди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш бўйича миллий дастурлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 8 ноябрдаги қарорига мувофиқ репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга тиббий ёрдам сифати оширилиб, кўламини кенгайтирилмоқда.

Перинатал марказда илғор клиникалар тажрибаси асосида энг замонавий қулайликлар яратилган. Магнит резонанс тамограф, рақамли рентген, ультратовуш текширув аппарати, кольпоскоп, гисетроскоп, электроэнцефалограф, электрокардиограф, лаборатор ва физиотерапевтик ускуналар билан жиҳозланган. Марказнинг биринчи қаватида кўп тармоқли поликлиника, юқори қаватларида беморлар хонаси ва умумий амалиёт хоналари, жумладан, чақалоқлар реанимация бўлими жойлашган. Бу ерда бир вақтнинг ўзиде 140 нафар беморни даволаш мумкин.

Президентимиз тиббиёт марказида яратилган шароитлар билан танишди. Askdoctor.uz онлайн поликлиника дастури орқали шифокорлар билан мулоқот қилди. — Коронавирус пандемияси кўзимизни очди. Тиббиётда ахборот технологиялари

қанчалик муҳимлигини кўрсатди. Лекин бу бўйича шароитлар ҳам, ходимларнинг малакаси ҳам ҳали етарли эмас. Шу боис ривожланган давлатлар тажрибаси асосида дастур ишлаб чиқиб, телемедицинани жадал ривожлантириш керак. Бу вақт ва харажатни тежайди, эпидемиологик хавфсизликни ҳам таъминлайди. Яна юқумли касалликлар тарқалмаслиги учун огоҳ, хушёр, тайёр бўлишимиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Масофавий технологияларни туман шифохоналари, қишлоқ поликлиникаларида ҳам босқичма-босқич жорий этиш, тиббиёт ходимлари ва аҳолини ундан фойдаланишга ўргатиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Перинатал марказнинг 100 ўринли мажлислар залида юртимиз ва хориздаги мутахассислар билан видеоконференциялар ўтказиш имконияти яратилган.

Давлатимиз раҳбари мазкур зални кўздан кечирди. Ҳар бир клиниканинг чет элда ҳамкори бўлиши кераклигини таъкидлади.

Марказ биноси инновацион қурилиш материаллари асосида сифатли ва энергия-тежамкор қилиб барпо этилган. Шошилинч тиббий ёрдам ҳолатлари учун барча қулайликлар инobatта олинган. Бу эса аҳолига давлат даражасида кўрсатилмаётган беқийс гамахўрликнинг ифодасидир.

ЎЗА

Фото: Муҳимжон ҚОДИРОВ



Бойдода бобо ХЎЖАЕВ

120 ёшда (Фарғона тумани);

— ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ тантанали маросимдаги дил сўзларини телевизор орқали тингладим. Шунда минг-минглаб фронт орти меҳнаткашлари қатори фашизм устидан қозонилган ғалабага оз бўлса-да, ҳисса қўшганимдан жуда гурурландим.

"БОЛАЛАРИМ, СИЗЛАР УРУШНИ КЎРМАНГЛАР!"

Яратганга шукри, бу йил 120 ёшга кирдим. Иккинчи жаҳон уруши бошланганда 41 ёшда эдим. Унгача бўлган даврда колхозда ишлардим. Катта Фарғона канали қурилишида ҳам қатнашганман. Шу билан бирга, косибчилик қилардим. Икки укам — Бойқўзи ва Шерқўзи Хўжаевларни урушга олиб кетилгани учун мени фронт ортида қолдиришди. Яъни, колхозда аёллар ва болалар қолиб, биз Чирчиқ шаҳрига кўчириб келтирилган заводларда меҳнат қилдик. Урушда қурол-яроғ, озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериларди. Қолаверса, пул, заём, тилла тақинчоқлар ёки кумуш ва мисдан ясалган буюмлар дейсизми, ҳамма-ҳамма нарсани, бор бисотимизни фронтга берардик.

Давлатимиз раҳбари ўша машъум уруш туфайли беш ўғлидан жудо бўлган она ҳақида гапирганда

мен ҳам фронтда ҳалок бўлган Бойқўзи ва Шерқўзини эсладим. Улар Беларусь фронтинида жанг қилишганди. Мустақиллик йилларида Тошкентдаги Хотира майдонинидаги "Хотира" китобига жигарларимизнинг номлари ёзилди. Кўрган-билганлар Беларусдаги ана шундай ёдгоруллик жойларида ўзбек жангчилари қатори укаларимизнинг исми-шарифи ҳам борлигини айттишган.

Ҳозир 4 ўғил ва 2 та қизим, 38 та набира, 76 та чевара ва 25 та эварамга бош бўлиб, уларнинг дуои жонини қилиб яшайман. Ҳар кунини уларга "Биз кўрган азоб-уқубат ва қийинчиликларни сизлар кўрманглар. Бугунги тинч ва осойишта кунларнинг қадрига өтинглар" деб ўқтираман.

"Инсон ва қонун" муҳбири Хуршид Султонов ёзиб олди.

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ЯНГИ БОСҚИЧ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2020 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони мамлакатда юридик фанни ривожлантиришга қаратилган замонавий ва халқаро андозаларга мослиги билан аҳамиятли бўлиб, соҳада катта туб бурилиш даврини ўзидифода этди.



Ўзбекистонда юридик кадрларга бўлган эҳтиёж жуда юқори бўлиб, бу борадаги айрим статистик маълумотларга назар ташласак.

Ўртимизда ҳар 100 минг аҳолига 12 нафар адвокат тўғри келади. Бу кўрсаткич Европа давлатларида ўртача 162 нафарни ташкил қилади. Яъни бизда бу кўрсаткич Европага қараганда 10 баробар кам. Ўзбекистонда 8250 нафар фуқарога бир адвокат тўғри келади. Таққослаш учун, АҚШда 256 нафар, Италияда 260 нафар, Германияда 500 нафар, Қозоғистонда 4000 нафар фуқарога бир адвокат ҳисобида тақсимланар экан. Ана шунинг учун ҳам Фармонда янги қадамлар қўйилдики, у тарихий аҳамиятга эга бўлиб, илк маротаба халқаро стандартларни ўзида намойён этмоқда.

Энг асосийси, Фармонга кўра халқаро ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида икки томонлама диплом тақдим этиш, чет эл ҳуқуқини ўрганиш марказларини ташкил этиш (Масалан: Буюк Британия, Франция, Хитой ва Германия) масаласига алоҳида эътибор берилди.

Асосийси ушбу Фармонда, юридик таълим ва фанни янада ривожлантиришнинг бир қатор устувор йўналишлари белгилаб берилди:

Биринчидан — замонавий талаблар, илғор халқаро юридик таълим ва меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида юқори малакали, ижодий фикрлайдиган, ҳалол кадрлар тайёрлашни таъминлаш;

Иккинчидан — ўқитишнинг кредит-модуль тизимини ва талабалар билимини баҳолаш

усулларини такомиллаштириш, ўқув жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш ҳамда ўқув базасини модернизациялаш;

Учинчидан — клиник юридик таълимни ривожлантириш йўли билан ўқув жараёни ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўртасида узвий алоқани таъминлаш;

Тўртинчидан — ривожланган хорижий давлатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасалари билан ҳамкорликни, қўшма ҳуқуқий тадқиқотларни, профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўзаро алмашинувини фойдалантириш;

Бешинчидан — ахборот ҳуқуқий технологиялар ва тизимларни (Legal Tech) ишлаб чиққан ҳолда давлат ва ҳуқуқ соҳасида илмий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш;

Олтинчидан — хорижий ҳамкорлар билан биргаликда юридик кадрлар тайёрлаш бўйича қўшма таълим дастурларини (double degree) амалга ошириш, ўқув-таълим жараёнига хорижий олимлар ва мутахассисларни фаол жалб қилиш;

Еттинчидан — “Электрон университет” (E-University) тизимини жорий этган ҳолда очик, шаффоф, субъективлик ва суиистеъмолчиликлардан холи бўлган таълим муҳитини яратиш;

Саккизинчидан — ТДЮУ ва юридик факультетларни халқаро тан олинган таълим муассасалари рейтингига киритиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш орқали миллий юридик таълим рақобатбардошлигини ошириш каби муҳим йўналишларни белгилаб берганлиги билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, Фармонда кўрсатилганидек, хорижий олий таълим муассасалари билан тузилган келишувлар асосида қўшма таълим дастурларини амалга ошириш ҳамда ТДЮУ, юридик техникумлар ва ТДЮУ қошидаги академик лицейда қўшма факультетлар ташкил этиш, юридик техникумлар ва ТДЮУ қошидаги академик лицейнинг қўшма таълим дастурларини ҳамда қўшма факультетларини тугатгандан сўнг ўқишни давом эттирган шахсларга берилган хорижий таълим муассасаларининг белгиланган шаклдаги дипломлари (бакалаврият, магистратура) Ўзбекистон Республикасида қўшимча маъмурий тартиб-таомилларсиз олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинади. Бу қоида ҳам юридик таълимда биринчи марта хорижий ОТМлар билан қўшма таълим дастурлари ташкил этишни йўлга қўйиб, уни битирганларга катта имтиёз ва имконият бераётганлигини таъкидлаш жоиз.

Энг асосийси, 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб ТДЮУ қошидаги академик лицейнинг барча фанлар бўйича юқори натижаларга эга битирувчилари ТДЮУга кириш тест синовларисиз, яъна тартибда суҳбат ўтказиш орқали, тўлов-контракт асосида, қабул параметрларидан ташқари кириш ҳуқуқига эга. Бу тартиб келгусида Академик лицей обрўси ва нуфузини оширишга, у ерда ўқиш кафолатини мустаҳкамлашга, келгусида лицейга ҳужжат топширувчилар сони ошишига, энг асосийси, қабул параметрларидан ташқари кириш ҳуқуқига эга эканлигини кўрсатади.

Ушбу Фармонга илова қилинган Тошкент давлат юридик университетининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича “йўл харитаси” мавжуд бўлиб, унда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш соҳасида икки томонлама диплом тақдим этиш, чет эл ҳуқуқини ўрганиш марказларини ташкил этиш (масалан: Буюк Британия, Франция, Хитой ва Германия), талабаларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини юксалтириш соҳасида кадрларни сақлаш, ватанпарвар, замонавий ёшларни тарбиялашга йўналтирилган бешта муҳим ташаббусни амалга ошириш каби рақобатбардошлигини таъкидлаш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ТДЮУда ишлаётган профессор-ўқитувчилар жамоаси ўз фаолиятларида Фармоннинг ҳар бир бандида кўрсатилган вазибалар ижросини таъминлашга астойдил хизмат қилиши ва уни амалга оширишга ҳар доим тайёр.

Жуманазар ХОЛМЎМИНОВ,
Тошкент давлат юридик университети профессори,
юридик фанлари доктори



МАЗКУР Фармонда юридик кадрларни тайёрлаш соҳасида рақобатни юзага келтириш мақсадида Самарқанд, Наманган ва Термиз давлат университетларида юридик факультетлар ташкил этилиб, “юриспруденция” йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда шакллантириладиган ва тасдиқланадиган квоталар бўйича қабулни, шу жумладан, табақалаштирилган тўлов-контракт асосида қўшимча қабулни амалга ошириш кўзда тутилган.

КЎЗЛАНГАН МАҚСАДГА ФАҚАТГИНА РАҚОБАТ БИЛАН ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ

Юридик таълимда рақобатни ривожлантириш орқали келажакда мамлакатимиз ва халқимиз манфаатини ҳимоя қиладиган етук ва сифатли мутахассис кадрларни етиштириб чиқариш назарда тутилган.

Биламизки, кўзланган мақсадга фақатгина рақобат билан эришиб бўлмайди. Юксак натижаларга эришиш учун бошқалар билан маслаҳатлашиш ҳамда уларнинг тажрибаларидан фойдаланиш ҳам бизга ўз мақсадимизга эришишда ёрдам беради. Президентимизнинг ушбу Фармонидан Тошкент давлат юридик университетидан Халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик факультети ташкил этиш кўрсатиб ўтилган. Факультетнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

Халқаро хусусий ҳуқуқ, шу жумладан, халқаро арбитраж ҳуқуқини чуқур ўрганиш, шунингдек, миллий ва япон, немис ҳуқуқи ҳамда бошқа ривожланган хорижий давлатлар ҳуқуқ тизимларини қиёсий тадқиқ қилиш асосида юқори малакали юридик кадрлар тайёрлаш;

Япония, Германия ва бошқа ривожланган хорижий давлатлар ҳуқуқи ва ҳуқуқий тизимларининг қиёсий тадқиқотлари натижаларини ҳисобга олган ҳолда халқаро ҳуқуқ нормаларини имплементация қилиш ва миллий қончиликни такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

Хорижий ҳуқуқ ва ҳуқуқий тизимларни қиёсий тадқиқ қилиш мақсадида хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви ҳамда стажировкаларни тизимли асосда ташкил этиш; конституциявий, фуқаролик, маъмурий, жиноят, жиноят-процессуал ва ҳуқуқнинг бошқа соҳаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш.

Бундан ташқари, 2020 — 2025 йилларда етакчи япон, немис ва бошқа чет эллик олимларнинг юридик фанлар бўйича ўқув адабиётлари туркумини давлат тилига таржима қилиш ва чоп этишни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури ҳамда 2021-2022 йилларда хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви ҳамда стажировкаларни ташкил этиш жадвалларини тузиш мақсад қилиб қўйилган.

Айтиш жоизки, халқаро майдонда мамлакатимизнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида талабалар ва профессор-ўқитувчиларни ҳамкорлик асосида ўқитиш ўз самарасини бермай қолмайди. Сифатли кадрлар сонининг ортиши халқимиз ҳуқуқларни поймол бўлишининг олдини олади ҳамда уларнинг ҳуқуқий онгини оширишда ўз ҳиссасини қўшади. Ўз ҳуқуқларини билган халқ ҳамиша тараққий этиб юксакликка эришади.

М.БАХРИДИНОВА, Д.КАРИМОВА,
ТДЮУ ўқитувчилари

5 миллион сўм жарима АДОЛАТДАНМИ?



ХУКУМАТНИНГ ўтган йилги аҳолига ҳуқуқий ахборотни етказиш ва юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган Қарорига асосан “Мадад” муассасасининг асосий вазифаларидан бири сифатида, фуқароларларнинг ҳуқуқий масалалардаги мурожаатларини таҳлил қилиб, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш белгиланган.

Шунга кўра, муассаса томонидан фуқаролардан келиб тушган кўп-лаб саволлар таҳлил қилинди, ҳамда айрим қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрланди.

Исбот ва далил талаб қиладиган масала

Маълумки, республикаимиз табиий иқлим шароитига кўра, ҳавонинг иссиқлик даражаси жуда юқори бўлган ҳудуд ҳисобланади. Республикаимиз ҳудудидея деярли 6 ойдан кўп вақт мобайнида иссиқ ҳаво сақланиб туради. Айниқса, ёз фаслида ҳавонинг иссиқлик даражаси 50-60 даражага етади.

Шунга кўра, кўпчилик автотранспорт воситаси ҳайдовчилари ёз ойларида қуёшнинг иссиқ нурларидан ҳимояланиш мақсадига, автомобилнинг орқа ён ойналарига парда ўрнатишга мажбур бўлади.

Ўз навбатида, автомобилнинг орқа ён ойналарига парда ўрнатиш ҳозирги амалиётда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 126-моддасига асосан жавобгарликка сабаб бўлади.

Бунда ҳайдовчилар автомобилнинг орқа ён ойналарига парда ўрнатганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдоридея жаримага, худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг қирқ баравари миқдоридея жаримага тортилади.

Муассасага келиб тушган кўп-лаб мурожаатлар, бу ҳолат аҳоли ўртасида турли хил тушуновчилик ва норозичиликларга сабаб бўлаётганлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 126-моддаси тахририга эътибор берадиган бўлсак, унда техник

регламентга мувофиқ бўлмаган кўзгусимон ва (ёки) туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали транспорт воситаларидан, худди шунингдек, ҳайдовчининг ўрнидан теварак-атрофни кўришни чеклайдиган қўшимча нарсалар ўрнатилган ёки қопламалар суртилган транспорт воситаларидан фойдаланганлик учун жавобгарлик белгиланган.


Аслида, автомобиль ҳайдовчиларининг орқа ён ойналарга парда ўрнатиш оғналлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 126-моддаси билан базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан қирқ бараваригача жаримга тортилиши амалиётда исбот ва далил талаб қиладиган низоли масала ҳисобланади.

Чунки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 126-моддасида “қўшимча нарсалар” деган тушунчага изоҳ берилмаган ва бундай нарсалар нималардан иборат эканлигига аниқлик киритилмаган, шунингдек, бундай низоли ҳолатда автомобиль ҳайдовчиларини базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдоридея, яъни бугунги кун ҳисобида 5 миллион 575 минг сўмга жаримга тортилиши қанчалик тўғри ва адолатли бўлади.

Қолаверса, автомобилнинг орқа ён ойналарига парда ўрнатишни ҳайдовчининг ўрнидан теварак-атрофни кўришни чеклайдиган ҳолат сифатида бир томонлама баҳолашни асосиз ҳисобланади.

Бундан ташқари, шахсий автомобиль воситаларига парда ўрнатишни тақиқлаш мулк ҳуқуқи қоидаларига ҳам зиддир. Чунки, фуқаролик ҳуқуқи қоидаларига мувофиқ, шахсда мулк ҳуқуқи вужудга келиши учун, ашёга нисбатан эгалик қилиш, фойдаланиш ва уни тасарруф этиш элементлари вужудга келган бўлиши керак.

Ушбу таҳлил натижасига кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 126-моддасига асосан автотранспорт воситаси ҳайдовчиларини автомобилнинг орқа ён ойналарига парда ўрнатганлик учун жарима жазосига тортиш амалиётини бекор қилиш таклиф этилади.



Олий таълим муассасаси битирувчиларидан келиб тушган баъзи мурожаатлар бу соҳадаги айрим қонун ҳужжатларидаги муаммоларни бартараф этиш заруратини кўрсатмоқда.

УЧ ЙИЛ ИШЛАБ БЕРИШ МАЖБУРИЯТИ — КОНСТИТУЦИЯВИЙ НОРМА ЭМАС

Жумладан, 2005 йилда мутасадди вазирликлар қўшма қарори билан тасдиқланган “Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисида”ги низомда, барча таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида тахсил олган олий таълим муассасалари бакалавр ва магистрлари мажбурий тартибда камида уч йил ишлаб бериш шarti билан таълим муассасаларига, корхона ва ташкилотларга ишга тақсимилашни белгиланган.

Ўз ўрнида, бундан 15 йил аввал тасдиқланган ушбу низомни амалиётда қандай самара берганлиги нуктаи назардан қайта кўриб чиқиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Хусусан, олий таълим муассасасини давлат гранти асосида тугаллаган ва кейинги таълимни чет элда давом эттириш ниятида бўлган талаба, чет давлатга ўқишга кириши учун бакалавр ёки магистрик дипломининг асл нусхаси тақдим этилиши талаб қилинганда, бундай имкониятга эга эмас.

Чунки, кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомда, битирувчи мазкур низом талаблари асосида тақсимот бўйича уч йил ишлаб бергандан кейин унга олий таълим муассасаси томонидан бир ҳафта муддатда меҳнат дафтарчасига мувофиқ дипломнинг асл нусхаси берилиши қатъий белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, олий таълим муассасасини давлат гранти асосида тугаллаган талабаларга уч йил давомида тақсимотда белгиланган корхона ва ташкилотларда ишлаб бериш мажбуриятининг юқлаб қўйилиши, уларнинг ўз хоҳиш ва истагига мувофиқ касб танлашга бўлган ҳуқуқини чеклаб қўяди.

Қолаверса, мазкур тартиб Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган ҳар ким эркин касб танлаш ва билими олиш ҳуқуқига эга деган конституциявий нормага ҳам зиддир.

Ушбу асосларга кўра, 2005 йилда кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган ушбу тартибни бекор қилиш таклиф этилади.



МУАССАСАГА фуқаролардан болали оилаларга нафақа ва моддий ёрдам ажратилиши тўғрисида келиб тушаётган мурожаатлар таҳлили натижасида ҳам бир қатор муаммолар аниқланди.

Масалан, Хукумат томонидан кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан, болали оилаларга нафақа ва моддий ёрдам 6 ой муддатга, бола парвариши бўйича нафақа эса — 12

ойга тайинлини белгиланган.

Одатда, ушбу муддат ўтгандан кейин фуқаролар боласига нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш муддатини яна шу муддатга узайтириши сўраб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурдаги махсус комиссияга такроран мурожаат қилишига мажбур бўлади.

Мурожаатларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, айнан шу босқичда ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқаролар айрим бюро-

Болали оилаларга нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш муддатини УЗАЙТИРИШ КЕРАК

кратик тўсиқларга дуч келади, бу эса, ўз навбатида, улар учун ортиқча оворагарчиликларни келтириб чиқаради.

Бундан ташқари, Меҳнат кодексининг 234-моддасига эътибор берадиган бўлсак, унда ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парвариш-лаш учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўла-ниши, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган низомда эса, бола икки ёшга тўлгунга қадар ойлик

нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби бюджет ташкилотларида ишловчи оналарга татбиқ этил-маслиги кўрсатилган.

Ўз навбатида, Меҳнат кодексига аёлларга боласи икки ёшга тўлгунга қадар нафақа тўла-ниши белгиланган бўлса-да, мутасадди вазирликлар томонидан тасдиқланган низомда эса бола икки ёшга тўлгунга қадар тўланадиган нафақа бюджет ташкилотларида ишловчи оналарга татбиқ этил-маслиги кўрсатилган.

Мазкур қонун ҳужжатлари ўртасида юқорида қайд этилган зиддиятларнинг мавжудлиги, уларни мутасадди идора ва ташкилотлар томонидан амалиётда

қўллашда ҳар хил талқин қилиш-га олиб келади.

Ушбу таҳлиллардан келиб чиқиб, юқорида қайд этилган қонун ҳужжатларида, улардаги зиддиятларни бартараф этиш ҳамда ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга нафақа тайинлаш ва унинг муддатини узайтиришда ортиқча расмийликларнинг олдини олиш мақсадига ўзгартиришлар киритилиши, шу жумладан, болали оилаларга нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш муддатини бир йўла 6 ойдан 12 ойга, бола парвариши бўйича нафақа тайинлаш муддатини эса 12 ойдан бола икки ёшга тўлгунга қадар узайтирилиши таклиф этилади.

Тўлқин Турсунов,

“Мадад” — муассаса шаклидаги нодавлат ноtijорат ташкилоти ижрочи директори

Пенсиядан қандай ҳолларда чегирма ушлаб қолинади?

— ПЕНСИЯДАН чегирма ушлаш мумкинми?

— а) суднинг ҳал қилув қарорлари, акримлари, қарорлари ва ҳукмлари (мулкый ундиришлар борасида), нотариал идораларнинг ижро варақалари ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ ижроси суд ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга ошириладиган бошқа ҳал қилув қарорлари ва қарорлар асосида;

б) Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг қарорига биноан — пенсионерга унинг томонидан қилинган суиистеъмолликлар оқибатида (қасддан нотўғри ҳужжатларни тақдим этиш, боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланган оила аъзолари таркибидеги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар тақдим этмаслик натижасида) ёхуд ҳисоблашдаги ёки бошқа техник хато оқибатида пенсия миқдоридан ортиқча пуллар тўланган тақдирда қилиниши мумкин.

Пенсионер Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг пенсиядан ортиқча тўланган суммаларни ушлаб қолиш тўғрисидаги қароридан норози бўлган тақдирда, аниқланган қарздорлик суд тартибиде, бироқ унинг аниқланиш санасидан уч йилдан кўп бўлмаган давр учун ундирилади.

Пенсиялардан юқорида кўрсатиб ўтилганидан ташқари бошқа ҳеч қандай чегирмалар қилиш мумкин эмас.

Ҳар ойлик чегирмалар миқдори пенсиянинг 50 фоизидан ошиши мумкин эмас.

Ортиқча тўланган пенсия пули бўйича қарздорлик тўлиқ узилгунга қадар пенсия тўлаш тўхтатилган ҳолларда (масалан, меҳнат қобилияти тикланганлиги туфайли) қолган қарз суд тартибиде ундирилади.

Саволга "Мадад" ННТ Жиззах вилоят Мирзачўл тумани ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси Баҳодир Тухтамишев жавоб берди.



Ер қанча муддатга ва кимга берилади?

— САБЗАВОТ, полиз, картошка, дуккакли ва мойла экинларни экиш, боғ ва тоқзорлар барпо этиш учун фуқаро ва тадбиркорларга ерлар берилар экан. Улар қанча муддатга ва кимга берилади?

— Ҳақиқатан ҳам, туман ҳокимликлари фойдаланишга киритилган ер майдонларини деҳқончилик асосида билимга эга бўлган, биринчи навбатда, ижтимоий Ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга 1 гектаргача деҳқон хўжалигини юритиш учун, истисно тариқасида, 10 йилгача муддатга ижарага беради ёки тажриба-синов мақсадида маҳаллий тадбиркорлик субъектларига барча ҳаражатларни олдидан тўлаш шарти билан 5 гектаргача бўлган ер майдонларини 10 йилгача муддатга ижара ҳуқуқини электрон аукцион асосида сотиш йўлга қўйилди. Бунда ердан фойдаланиш даврида белгиланган экин турларини экиб, иш ўринларини яратган, ижара ҳаражатларини ўз вақтида қоплаган тадбиркорлик субъектларига ердан фойдаланиш муддатини узайтиришда устуворлик ҳуқуқи берилади.

Саволга "Мадад" ННТ бош мутахассиси Исломжон Абдирахимов жавоб берди.



Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуқий масалалар бўйича зарур тушунтиришлар ва маслаҳатларни "Мадад"нинг www.advicuz.com сайтдан олишингиз ёки саволларингизни телеграмдаги @Madadnt_botга йўллашингиз мумкин.

Карантинда ходимни огоҳлантирмай ишдан бўшатиш мумкинми?

— КАРАНТИН пайтида ишлаб чиқариш тўхтатилганлиги сабабли корхона раҳбари ишчилар билан тузилган меҳнат шартномасини ишчиларни огоҳлантирмай бекор қилиши мумкинми?

— Агарда меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилган бўлса, ходимнинг розилигисиз иш берувчи бир тарафлама меҳнат шартномасини бекор қилиб, ходимни ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга эмас.

Меҳнат кодексининг 97-моддаси 1-бандига асосан меҳнат шартномаси тарафларнинг яъни иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишувга асосан меҳнат шартномасининг барча турлари исталган вақтда бекор қилиниши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Бироқ меҳнат шартномаси муайян муддатга тузилган бўлса, карантин ҳолатидан қайти назар Меҳнат кодексининг 105-моддасига асосан муддатли меҳнат шартномаси муддати тугаши билан бекор қилинади. Иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга фақатгина Меҳнат кодексининг 100-моддасида кўрсатилган ҳоллардагина йўл қўйилади ва бошқа ҳолатларда йўл қўйилмайди. Ушбу моддада карантин ҳолатлари назарда тутилмаган.

Бундан ташқари, Президентимизнинг "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тarmoқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг 16-банди 2-қисмига асосан, коронавирус инфекцияси билан зарарланган ёки карантинга жойлаштирилган, шунингдек, 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (унинг ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар) бўлган ходимлар билан меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тақиқланади.

Саволга "Мадад" ННТ Наманган вилоят Поп тумани ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси Музаффар Избосаров жавоб берди.



"Чернобил"чиларга қандай имтиёзлар бор?

— ЧЕРНОБИЛ ҳалокати оқибатида жабрланган шахсларга бугунги кунда қандай имтиёзлар мавжуд?

— Чернобил АЭС, ҳалокати оқибатини тугатишда иштирок этган шахсларга бугунги кунда қуйидагича имтиёзлар мавжуд:

- Ер солигидан озод қилинадилар;
- Коммунал хизматлар ҳақини тўлашда ойлик компенсация пул тўловлари берилади;
- Амбулаторияда даволанишда дори воситалари билан имтиёзли таъминлиниш ҳуқуқига эга бўладилар;
- бепул санатория-курорт йўлланмалари берилади;
- шаҳар йўловчилар транспортдан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқига эгалар.

Саволга "Мадад" ННТнинг Мўйноқ туман ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси Нурия Бердинязова жавоб берди.

Ёш болаларга хорижга чиқиш паспортини олиш тартиби қандай?



— МЕН 2 йили фарзандим билан чет элга боришим керак. Ёш болаларга хорижга чиқиш паспортини олиш тартиби, паспортни қанча муддатга берилиши, қанча тўлов қилишим кераклиги ҳақида тушунтириб берсангиз.

— Президентимизнинг 2018 йил 26 декабрдаги Қарорига асосан, хорижга чиқиш биометрик паспортлари қуйидаги муддатларга берилади:

- 1 ёшгача бўлган болаларга — 2 йилга, 1-16 ёшгача болаларга — 5 йилга, 16 ёшдан ошганларга — 10 йилга муддатга берилади.
- Хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштирилганлик учун тўловлар миқдори:
- 16 ёшгача болаларга — базавий ҳисоблаш миқдорининг 80% миқдорига;
- 16 ёшдан катталарга — базавий ҳисоблаш миқдорининг 120% миқдорига.

Вояга етмаган болаларга хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш учун ота-онанинг ёзма розилиги шарт.

Тўловлар миқдори Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиқади, ҳозирги кунда бу — 223.000 сўмни ташкил қилади.

Саволга "Мадад" ННТ Наманган вилоят Чуст тумани ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси Шавкат Фозилов жавоб берди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси вазирлиқнинг молия-ҳисоб бошқармаси бошлиғи Тўраҳон Бекбўтаевага қизи **Маърифат БЕКБЎТАЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Давлат хизматлари Агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси жамоаси Самарқанд вилоят ФХДЕ архиви архивариуси Насиба Худойкуловага онаси **Муяссар ҚОДИРОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ИНСОН ҚОНУН

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjus.tuz

1538 2030-7877

7 720 10 78 0004

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқолов Акбар Журабоевич

Рабиев Шерзод Миржалилович

Тоқиев Фурият Шомуродович

Искандаров Ёрбек Нурбекович

Эргашева Дилфуза Рустамовна

Бош муҳаррир

Қўчқор НОРҚОБИЛ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Навбатчи

Фарида Қорақулова

Саҳифаловчи-дизайнер

Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табақ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 5965

Буюртма — V-4138

Топшириш вақти — 19:00

Топширилди — 19:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш. Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5

Энг оммалашган Илмий хатолар

АМЕРИКАДАГИ машхур журнал ўқувчилари орасида сўров ўтказиб, қандай илмий афсоналар оммалашганини аниқлади. Ва олимлардан бу афсоналарни шарҳлаб беришни сўради. Танишинг, энг машхур илмий афсоналар:



Осмонулар бинодан ташланган танга инсонни ўлдиради — ёлгон

Оддий танга аэродинамика нуқтаи назаридан жудаям мукамал курул эмас. Шамол ва ҳаво қаршилиги туфайли ҳатто Эмпире Стате биноси (380 метр)дан ташланган танга ҳам жиддий шикаст етказа олмайди. Шу боис, агар сиз бирортасини тепадан туриб жазоламоқчи бўлсангиз, тангангизга аввал битта гишт сотиб олинг.



Космосда тортишиш кучи йўқ — ёлгон

Бу адашишга ҳозир оммалашиб кетган "нол тортишиш кучи" ва "вазнсизлик ҳолати" деган жумлалар сабаб бўлганга ўхшайди. Гравитация, яъни тортишиш кучи ҳамма жойда мавжуд ва у барча одамларга бир хил таъсир қилади. Доимий равишда ўз космик кемалари билан биргаликда Ерга тушиб кетавергани сабабли, фазогирлар учун сунъий равишда вазнсизлик ҳолати ҳосил қилинади ва улар "учиб юришади".

Ернинг жанубий яримшаридаги гирдоб тескари айланади — ёлгон

Ернинг айланиш тезлиги ҳатто энг кичик сув оқимиға таъсир қилишга ҳам етмайди. Гирдобга ҳеч қандай глобал қонуниятлар таъсир қилмайди, балки бу гирдоб ҳосил бўлган рельефа боғлиқ.



Ёмғир остида югурсак, камроқ ҳўл бўламиз — математик жиҳатдан рост

Бу тахминни текшириш учун махсус ўтказилган математик ҳисоблашларнинг кўрсатишича, ҳақиқатан шундай. Ёмғирда югурсангиз, костюмингиз камроқ ҳўл бўлади. Чунки ёмғир асосан либоснинг олд томониға тушади.



Калласи олинган товўқ яшай олади — рост

Ҳақиқатан ҳам, товўқ калласи олингандан сўнг, бир неча дақиқа яшайди. У югуриши ва ҳатто учишга ҳам уриниб кўриши мумкин. Бу ҳолат товўқнинг боши кесилганда мианинг рефлексларга жавоб берувчи бошланғич қисми қолиб кетиши билан изоҳланади.



Инсон миясининг 10 фоизи ишлайди — ёлгон

Бу хато тушунча салкам бир асрдан буён мавжуд. Бахтимизга ундай эмас. Миани магнит ёрдамида тадқиқ қилиш натижаларининг кўрсатишича, бош мианинг каттагина қисми танамизнинг ҳаракатланишида фаол қатнашади. Ҳатто ухлаётган пайтимизда ҳам миамиз ишда бўлади. Шунинг учун, бундай афсоналарга ишониб юрмасдан, каллани яхшилаб ишлатиш мақсадга мувофиқ.

Ҳайвонлар табиий офатларни олдиндан сезадилар — ёлгонроқ

Ҳайвонларда "олтинчи сезги" мавжудлиги ҳақида ишончли далиллар йўқ. Бироқ аъло даражадаги ҳид билиш, эшитиш ва кўриш, шунингдек, инсонлардан кўра яхши ривожланган туғма инстинктлар ҳайвонларға яқинлашаётган хатарни сезиш имконини беради. Шунинг учун жониворлар бўрон ёки цунамиға ҳайратланиб қараб турмайдилар. Шу билан бирга, табиий офатлар туфайли кўлаб ҳайвонлар нобуд бўладилар. Шундай экан, уларда "олтинчи сезги" бўлган тақдирда ҳам бу алоҳида фойда келтирмайди.




Яшин бир жойға икки марта тушмайди — хавфли ёлгон

Аслида, бутунлай тескари. Яшин ўзи "маъкул кўрган" жойларига эга. Маълумки, яшин кўпроқ баланд жойларға тушади. Шу сабабли, эндигона яшин урган дарахтнинг тагига бекиниш нотўғри. Осмонўлар биноларға йилиға ўртача 25 марта яшин тушади.

Катта ёшдагилар миасида хужайралар ўсиши тўхтайдди — ёлгон

Гарчи инсон миаси кичик ёшда энг фаол шаклланиб, ўсса-да, хужайралар кўпайиши катта ёшда ҳам тўхтамайди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, нейронлар инсон вафот эттуниға қадар ўсишда ва ўзгаришда давом этади. Шу боис, асаблар қайта тикланади ва янаям ақллироқ бўлиш имконияти ҳаммада бор.



Товўқ шўрва билан шамоллашни даволаш мумкин — салкам рост

Фақат шўрва билан шамоллашни йўқотиш мумкин эмас, албатта. Аммо олимлар беморни мажбурлаб шўрва ичирувчиларни маъқуллайди. Маълум бўлишича, товўқ шўрвада шамоллашға қарши курашувчи моддалар мавжуд экан.



Эснаш юқади — ростроқ

Тажрибадан маълумки, бир киши эснаса унинг атрофидагиларға ҳам юқади. Бу илмий нуқтаи назардан қанчалик тўғрилигини айтиш мушкул, аммо баъзи олимларнинг фикрича, ёнимиздаги одамнинг эснашини қайтариш рефлексини аввалдан мавжуд.

